

ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

“Бюджет ҳисоби ва давлат жамғармалари” факультети

“Пенсия иши” кафедраси

КУРС ИШИ

**Мавзу: Ўзбекистон Республикасида бюджет
жараёнини ташкил этиш асослари**

Бажарди: БПИ-70 гуруҳ талабаси
Оллаберганова Садоқат

Текширди: к.ўқ. Д.Тошмухамедова

Тошкент-2014

Ўзбекистон Республикасида бюджет жараёнини ташкил этиш асослари

Режа:

Кириш

1. Бюджет жараёни тўғрисида тушунча. Бюджет жараёни босқичлари
2. Бюджетни тузиш, кўриб чиқиш ва тасдиқлаш, уни амалга оширувчи органларнинг ваколатлари ва вазифалари.
3. Бюджетни ижро этиш, унинг вазифалари, бюджет ижросини таъминловчи органлар.
4. Бюджет ижроси юзасидан ҳисоботлар тузиш, уларни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш.
5. Бюджет жараёни босқичларини назорат қилиш, бюджет назоратининг вазифалари ва аҳамияти.

Хулоса.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

Кириш.

“Жараён” атамаси билан муайян натижага еришиш учун амалга ошириладиган кетма-кет ҳаракатлар мажмуи ёки бирор фаолиятни амалга ошириш тартиби белгиланади. Барча даражадаги давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг бюджет муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги ваколати Давлат бюджетини шакллантириш, тузишдан бошлаб уни ижро этиш тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлаш билан боғлиқ бўлган турли ҳаракатларда амалга оширилиши туфайли, уларни процессуал нуқтаи назардан кўриб чиқиш учун зарур асослар бор. Жараён юридик категория сифатида моддий ҳуқуқ нормаларини амалга ошириш учун йўналтирилган.

Ўтказилган услубий ёндашувлар асосида моддий бюджет-ҳуқуқий нормаларни амалга ошириш бўйича фаолиятни бюджет жараёни сифатида кўриб чиқиш мумкин. Бошқача айтганда, бюджет жараёни бюджет ҳуқуқий муносабатлари субъектларининг моддий бюджет ҳуқуқларини амалга ошириш шакли бўлиб, процессуал бюджет ҳуқуқи нормалари билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси бюджет қонунчилиги бюджет жараёни асосларини мустаҳкамлайди ва уни тартибга солади. Бюджет жараёни қонунчилик ҳужжатлари билан тартибга солинган, Давлат бюджетини тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш ва ижро этиш, унинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни назорат этиш, тайёрлаш ва тасдиқлаш жараёни, шунингдек Давлат бюджети тузилмасига кирувчи бюджетлар ўртасидаги ўзаро муносабатлардир. Ушбу қонунчилик ҳужжатида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини шакллантириш ва ижро этишнинг асосий қоидаларини белгилайдиган нормалар берилган. Мазкур нормаларни ривожлантиришда махсус меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинган бўлиб, у Давлат бюджетини тузиш ва ижро этишни тартибга солади.

1. Бюджет жараёни тўғрисида тушунча. Бюджет жараёни босқичлари

Бюджет лойиҳасини тузиш (ишлаб чиқиш, яратиш), кўриб чиқиш (муҳокама қилиш), қабул қилиш (тасдиқлаш) ва ижро этиш, унинг ижро этилишини назорат қилиш, ижроси ҳақидаги ҳисоботни тайёрлаш ва тасдиқлаш, шунингдек Давлат бюджети тузилмасига кирувчи бюджетлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ тартибга солинишига тегишли бўлган давлат ҳокимият ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари ҳамда бюджет жараёни иштирокчиларининг фаолиятига *бюджет жараёни дейилади*

Бюджет жараёни мамлакатнинг давлат ва бюджет тузилиши (қурилиши), тегишли органлар ва юридик шахсларнинг бюджет ҳуқуқлари билан белгиланади. Шунингдек, унинг мазмунини белгилашда бюджетни тузиш (ишлаб чиқиш, яратиш) тартиби, унинг норматив-ҳуқуқий ва ташкилий асоси, мамлакат бюджетини тузиш (ишлаб чиқиш, яратиш)нинг назарий ва методологик масалалари муҳим роль ўйнайди

Бюджет жараёнининг асосий вазифаси:

- мувозанатлаштирилган бозор сари кескин тараққиётга эришиш мақсадида барча моддий ва молиявий резервларни максималъ қидириб топиш;
- алоҳида солиқлар ва бошқа тўловлар бўйича, шунингдек социал-иқтисодий ривожланишнинг башоратлари ва мақсадли дастурларига мувофиқ бюджет даромадлари ва уларнинг умумий ҳажмини аниқлашдан иборат.


Бюджет жараёнининг босқичлари:

- Бюджет лойиҳасини тузиш (ишлаб чиқиш, яратиш)
- Бюджетни кўриб чиқиш (муҳокама қилиш) ва тасдиқлаш
- Бюджетни ижро этиш
- Бюджетнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тайёрлаш ва уни тасдиқлаш.

Давлат бюджети бир хил бўлган, доимий янгиланиб боровчи шаклланиш ва ижро этиш босқичларини даврий равишда ўтиб боради. Бюджет даврийлиги унинг бюджет тўғрисидаги ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинган муддат давомида амал қилади, бу муддат тугаганидан сўнг кейинги муддат учун бюджет тўғрисидаги янги ҳужжат қабул қилинади. Бюджет тўғрисида чиқарилган ҳужжат амал қилган муддат бир йилни ташкил этади ва у бюджет йилидеб аталади.

Бизнинг мамлакатимизда бюджет йили календар йилга тўғри келади, яъни у 1 январдан бошланиб, 31 декабрда тугайди. Турли давлатларда парламент сессияларининг ҳар хил вақтда ўтказилиши натижасидаги фарқлар, тарихий анъаналар ва бошқа сабабларга кўра бюджет йили бир хил бошланмайди. Масалан, у Франция, Германия, Италия, Белгияда - 1 январдан, Буюк Британия, Япония, Канадада - 1 апрелдан, Швеция, Норвегия, Покистонда - 1 июлдан, АҚШда - 1 октабрдан бошланади¹.

¹ Finansovo-kreditniy slovar. М., Т.1. - 168-б.



1-chizma. Budjet jarayoni tamoyillari

Бюджет жараёни асосида муайян принциплар мавжуд бўлиб, давлат бутун бюджет тизимининг барқарор ва самарали ишлаши учун уларга қатъий риоя этилиши зарур. Шу сабабли бюджет жараёнига умуман бюджет тизими учун хос бўлган барча бюджетларнинг бирлиги, тўлиқлиги, реаллилиги, баланслилиги, ошкоралиги каби принципларнинг хос бўлиши тасодифий ҳол эмас². Шу билан бирга, фақат бюджет жараёнига хос бўлган алоҳида принциплар ҳам мавжуд бўлиб, уларга бюджетнинг ҳар йиллилиги, ваколатли ва ижроия ҳокимияти органлари ўртасида ваколатларни чегаралаш, бюджет кўрсаткичларини ихтисослаштириш³ киради.

2. Бюджетни тузиш, кўриб чиқиш ва тасдиқлаш, уни амалга оширувчи органларнинг ваколатлари ва вазифалари.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети лойиҳасини тузишга доир ишлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан мувофиқлаштирилади ва амалга оширилади. Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, тегишли ҳокимиятлар молия бошқармалари (бўлимлари) Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар лойиҳаларини тузишга оид ишларни мувофиқлаштиради ва амалга оширади.

² Bu prinsiplarning mazmuni to'g'risida kitobning 8-bob 2-paragrafiga qarang.

³ Ayrim manbalarda ushbu masala yuzasidan boshqa nuqtai nazar ham bor. Q., masalan, Finansovoye pravo: Darslik / prof. O.N.Gorbunova tahriri ostida. M.: Yurist', 1996. - 138-139-betlar.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган муддатларда кейинги молия йили учун бюджет сўровини қуйидагиларга жўнатади:

Келгуси давр учун бюджет сўровлари:

Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан, шунингдек туманлар ва шаҳарлар бюджетларидан молиялаштириладиган бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилар томонидан тегишли молия органларига – жорий йилнинг 1 июнигача;

бюджет маблағларини тақсимловчилар томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига – жорий йилнинг 1 июлигача;

давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига – жорий йилнинг 1 июлигача тақдим этилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва бошқа вазирликлар, давлат қўмиталари ҳамда идоралар Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари даромадларининг прогнози бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига ва давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органларга жорий йилнинг 15 июнигача тақдим этади.⁴

Бюджет сўровини олгач, республика бюджетидан бюджет маблағларини олувчилар бюджетдан ажратиладиган маблағларни олиш учун ариза (буюртма) тузадилар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимиятлари ва Тошкент шаҳар ҳокимияти еса, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган шакл бўйича тегишли ҳудудлар бюджетлари лойиҳаларини тузадилар. Бу лойиҳалар қуйидагиларни ўз ичига олади:

1) даромадлар бўйича - солиқлар, йиғимлар, божлар ва бошқа мажбурий тўловлар контингенти ҳамда Давлат бюджетига бошқа даромадлар бўйича ҳисоб-китоблар тегишли минтақалар ва даромадларнинг ҳар бир тури бўйича алоҳида тузилади.

2) харажатлар бўйича - кўрсаткичлар рўйхати, унинг асосида бюджет маблағларини олувчилар бюджетдан ажратилган маблағларни олиш учун ариза (буюртма)лар тузиши керак, яна тармоқлар, штатлар ва контингентлар бўйича кўрсаткичлар тузилади.

Келгуси молия йили учун Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари ҳамда давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг лойиҳалари:

⁴ Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 94-моддаси.

туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг молия бўлимлари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлигига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг молия бошқармаларига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан белгиланган муддатларда, бироқ жорий йилнинг 25 июнидан кечиктирмай;

Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг молия бошқармалари, давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига жорий йилнинг 1 июлидан кечиктирмай тақдим этилади.

Давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг лойиҳаларини тайёрлаш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.⁵

Давлат бюджетининг лойиҳасида харажатлар даромадларнинг прогноз қилинаётган ҳажмидан келиб чиқиб Давлат бюджети тақчиллигининг чекланган миқдори ҳисобга олинган, уни қоплаш манбалари белгиланган ҳолда назарда тутилади.

Давлат бюджетининг лойиҳаси:

- Давлат бюджетининг тушумлар манбалари бўйича даромадлари ва йўналишлар бўйича харажатлари прогнозидан;

- Давлат бюджети тақчиллигининг чекланган миқдори ва уни қоплаш манбаларидан таркиб топади.

- Давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар томонидан ишлаб чиқилган давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг лойиҳалари тушумлар манбалари бўйича даромадлар ва йўналишлар бўйича харажатлар прогнозидан таркиб топади.

Давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг лойиҳаларини тақчиллик билан ишлаб чиқишга йўл қўйилмайди.

Давлат бюджети лойиҳасини тузгандан кейин Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ваколатли вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ҳамда тегишли ташкилотлар билан биргаликда бюджетномаси лойиҳасини ишлаб чиқади.

Бюджетнома:

мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг ўтган йилги асосий яқунлари ва мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг жорий йилги яқунларининг прогноз баҳосини;

Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнозини;

Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари жорий йилдаги ижросининг прогноз баҳосини;


солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари лойиҳасини;

⁵ Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 95-моддаси.

Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг лойиҳасини;

давлат қарзининг ҳолати тўғрисидаги маълумотлар;

солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг лойиҳасига доир тушунтириш хатини ўз ичига олади.




2 –chizma. Davlat budjeti loyihasini tayyorlash tartibi

Бюджетнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига – жорий йилнинг 15 сентябрга қадар киритилади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасига хулоса тақдим этиши учун – жорий йилнинг 20 сентябрга қадар киритилади. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг лойиҳаси бўйича икки ҳафталик муддатда хулоса тақдим этади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига –Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг хулосаси билан жорий йилнинг 15 октябридан кечиктирмай киритилади.

Олий Мажлисида Бюджет, банк ва молиявий масалалар бўйича комитет тузилган бўлиб, у парламентнинг бошқа қўмита ва комиссиялари билан узвий ҳамкорликда, жумладан Давлат бюджети лойиҳасини кўриб чиқиш ва унга зарур тузатишларни киритиш бўйича таклифларни тайёрлаш билан боғлиқ масалалар юзасидан иш олиб боради.



3-chizma. Davlat budjetini qabul qilish muddatlari

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тақдим этилган Бюджетнома Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари томонидан кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари Давлат бюджетини, давлат мақсадли жамғармалари бюджетларини ҳамда навбатдаги йил учун солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишларини қабул қилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг навбатдаги йил учун Давлат бюджети тўғрисидаги қарорларини ижро этиш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг асосий макроиктисодий кўрсаткичлар прогнози ва Давлат бюджетининг асосий параметрларини тасдиқлашга доир қарорига мувофиқ, қарор қабул қилингандан сўнг бир ҳафталик муддатда тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент

шаҳар маҳаллий бюджетлари даромадлари ҳамда харажатларининг ҳажмлари қабул қилинади.

Қорақалпоғистон Республикасининг бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг маҳаллий бюджетлари қабул қилинганидан кейин бир ҳафталик муддатда туман ва шаҳар ҳокимларининг қарорлари билан Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари таркибига кирадиган туманлар ва шаҳарларнинг бюджетлари қабул қилинади.⁶

3. Бюджетни ижро этиш, унинг вазифалари, бюджет ижросини таъминловчи органлар.

Бюджет тизими бюджетларининг ижроси бюджет тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган, бюджет тизими бюджетлари даромадларининг тушишини таъминлаш ва харажатларини амалга оширишни, шунингдек уларнинг ижроси билан боғлиқ операцияларни ҳисобга олишни назарда тутди.

Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг, давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан таъминланади.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг ижроси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари томонидан таъминланади.

Бюджет ташкилотлари бюджетдан ташқари жамғармаларининг ижроси бюджет ташкилотлари томонидан таъминланади.⁷

Бюджет тизими бюджетларининг ижроси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ғазна ижроси йўли билан амалга оширилади. Ғазна ижроси фаолиятни чет элда амалга ошираётган бюджет ташкилотларига ва бюджет маблағлари олувчиларга татбиқ этилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ахборот тизимида бюджет тизими бюджетлари, бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилар учун шахсий ғазна ҳисобварақлари очилади.

Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилар ўз харажатлар сметаларида назарда тутилган бюджетдан ажратиладиган маблағларни молия йили тугагунига қадар сарфлашга ҳақли.


Мамлакатда мудофаа қобилятини, хавфсизликни, ички тартибни сақлаш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда амалга оширилади.

Бюджет тизими бюджетларининг ижроси молия йили мобайнида ва қўшимча вақт даврида амалга оширилади.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 99-моддаси.

⁷ Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 109-моддаси.

Кейинги йилнинг январь оyi молия йилига қўшимча вақт даври бўлиб, бу давр мобайнида ўтган йил учун бюджет тизими бюджетларининг ижроси амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бюджет тизими бюджетларининг қўшимча вақт давридаги ижроси бўйича операцияларни ўтказиш тартибини ва энг кеч муддатларини белгилайди.



4-chizma. Davlat budjeti ijrosini ta'minlash

Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари даромадлари ва харажатларининг ёйилмаси (бундан буён матнда даромадлар ва харажатлар ёйилмаси деб юритилади):

бюджет таснифига мувофиқ тузилган даромадлар ва харажатлар прогнозининг уларнинг тасдиқланган параметрларига мувофиқлигини;

даромадлар ва харажатлар параметрлари ижросининг мониторингини таъминлаш мақсадида тузилади.

Даромадлар ва харажатлар ёйилмасининг даромад қисми тегишли бюджет даромадларининг бюджет таснифига мувофиқ ойма-ой бўлинган йиллик ҳажмларидан ташкил топади.

Даромадлар ва харажатлар ёйилмасининг харажат қисми тегишли бюджет харажатларининг бюджет таснифига мувофиқ ойма-ой бўлинган

молия йили учун тасдиқланган харажатлар сметалари асосида тузиладиган йиллик ҳажмларидан ташкил топади.

Даромадлар ва харажатлар ёйилмасининг якуний маълумотлари, бундан бюджетлараро трансфертлар мустасно, тасдиқланган йиллик бюджетда қабул қилинган суммаларга мос келиши лозим.

Даромадлар ва харажатлар ёйилмаси:

Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети бўйича – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан;

Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджети бўйича – Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг молия бошқармалари томонидан;

туманлар ва шаҳарлар бюджетлари бўйича – туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг молия бўлимлари томонидан;

давлат мақсадли жамғармалари бўйича – давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар томонидан тузилади.

Ҳозирги кунда республикаимиз бюджет тизимида ғазначилик тизимини тадбиқ этиш бўйича бир қанча амалий ишлар қилинмоқда. Албатта, ғазначилик фаолиятини иқтисодиётга тадбиқ этиш молия тизимининг барча жабҳаларида ўзига хос ўзгаришларни тақозо этади. Бу асосан, ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ҳолати, ташкилий-услубий ва ахборот технологиялари жараёнларини қамраб олмоғи керак.

4. Бюджет ижроси юзасидан ҳисоботлар тузиш, уларни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш.

Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот бюджет таснифига мувофиқ муайян давр учун Давлат бюджети даромадлари ва харажатларининг ижроси натижаларидан иборат бўлади.

Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот қуйидаги ҳисобот шакллари ўз ичига олади:

Давлат бюджети ижросининг баланси;

Давлат бюджети даромадларининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот;

Давлат бюджети харажатларининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот;

бюджет ташкилотларининг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисидаги маълумотнома;

Давлат бюджетидан молиялаштириладиган бюджет ташкилотлари бўйича тармоқ, штатлар ва контингентларга доир режанинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисобот.

Туманлар ва шаҳарлар бўйича ғазначилик бўлинмалари тегишли туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг молия бўлимларига туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг касса ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тақдим этади.

юқори турувчи молия органларига – улар белгилаган муддатларда;
тегишли ҳокимликларга – туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг
ижроси тўғрисидаги ҳисобот юқори турувчи молия органларига тақдим
этилганидан сўнг уч иш куни ичида тақдим этади.



Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича ғазначилик бошқармалари Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг касса ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлигига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг молия бошқармаларига тақдим этади.

Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг молия бошқармалари ҳисобот даври учун Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар

маҳаллий бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланган шакллар бўйича:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига – у белгилаган муддатларда;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига ва тегишли ҳокимликларга – Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этилганидан сўнг уч иш куни ичида тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган шакллар бўйича Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисоботни тузади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига:

Давлат бюджети ижросининг бориши тўғрисидаги чораклик ҳисоботни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган муддатларда;

Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисоботни ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 апрелигача тақдим этади.⁸

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисоботни Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасига ташқи аудит ўтказиш ва баҳолаш учун ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 5 апрелигача юборади.

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисоботга доир хулосани ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 10 майидан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига юборади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисоботни Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг хулосаси билан бирга ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 майидан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига тақдим этади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари тегишли бюджетлар ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисоботларни ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 10 майидан сўнг тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар, шунингдек туманлар ва шаҳарлар Кенгашларига тақдим этади.

⁸ Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 165-моддаси.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тегишли ҳисобот даври учун тақдим этилган Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг сиёсий партиялар фракциялари, депутатлар гуруҳлари ва кўмиталарида муҳокама қилиш асосида кўриб чиқади.

Тегишли ҳисобот даври учун Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг сиёсий партиялар фракциялари, депутатлар гуруҳлари ва кўмиталарида кўриб чиқилгандан сўнг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг мажлисида кўриб чиқилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг қарори билан тасдиқланади.

Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисобот Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси томонидан тасдиқлангандан сўнг ҳисобот йили учун Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ахборот Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилади.⁹

5. Бюджет жараёни босқичларини назорат қилиш, бюджет назоратининг вазифалари ва аҳамияти.

Давлат бюджет назорати бюджет тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бюджет назорат объектлари томонидан бузилишини аниқлаш, бартараф этиш ва уларга йўл қўймаслик мақсадида давлат молиявий назорат органлари томонидан амалга оширилади.

Давлат бюджет назорати:

республика даражасида – Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг, давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ва республика бюджетидан молиялаштириладиган бюджет ташкилотлари бюджетдан ташқари жамғармаларининг шакллантирилиши ҳамда ижро этилиши устидан;

маҳаллий даражада – Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларидан молиялаштириладиган бюджет ташкилотлари бюджетдан ташқари жамғармаларининг шакллантирилиши ҳамда ижро этилиши устидан амалга оширилади.¹⁰

Давлат бюджет назорат органлари давлат молиявий назоратини давлат молиявий назорат органлари ёки ваколатли орган томонидан

⁹ Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 169-моддаси.

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 170-моддаси.

тасдиқланадиган назорат қилиш йиллик режаларига мувофиқ амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва унинг тасарруфидаги ваколатли органлар давлат бюджет назорати органларидир.

Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг даромадлари қисми бўйича давлат молиявий назорати берилган ваколатлар доирасида давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва бошқа молия органлари Давлат бюджети ижроси назорат қилинишини амалга ошириш чоғида:

турли даражадаги бюджетлар ижроси якунларини кўриб чиқади;

турли даражадаги бюджетларга маблағлар тушуми тўғрисида солиқ ва божхона органларидан, давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлардан ахборотлар олади;

бюджет маблағлари олувчилардан бюджетдан ажратиладиган маблағларнинг тушуми ва сарфи тўғрисида маълумотлар талаб қилиб олади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ банклардан бюджет маблағлари ҳаракати тўғрисида маълумотлар олади;

бюджет маблағлари олувчиларнинг молия-хўжалик фаолиятини ўз ваколатлари доирасида тафтиш қилади ва текширувдан ўтказиши.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси йилнинг ҳар чорагида Давлат бюджети ижросининг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тақдим этадиган якунларини кўриб чиқади.

Хулоса.

Ўзбекистон Республикаси бюджет қонунчилигида амалга ошириладиган ўзгаришлар, яъни бир неча қонуний-меъёрий норматив ҳужжатларни умумлаштирган ҳолда шакллантирилган Бюджет кодексининг қабул қилиниши бюджет жараёни назарияси, тушунчасини муҳим жиҳатларини аниқлаштирган. Ушбу Кодекс Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизими бюджетларини (бундан буён матнда бюджет тизими бюджетлари деб юритилади) шакллантириш, тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш, тасдиқлаш, ижро этиш, давлат томонидан маблағ жалб қилиш ва бюджет жараёни тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижросини назорат қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиди.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бюджет жараёни тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

Демак, бюджет жараёни бу бюджет тизими бюджетларини шакллантириш, тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш, тасдиқлаш ва ижро этиш, уларнинг ижроси устидан назорат қилиш, бюджет тизими бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тайёрлаш ва тасдиқлаш, шунингдек улар ўртасидаги ўзаро муносабатлар жараёни бўлиб, Бюджет кодексига

белгиланганидек, бюджет тизими барча даражадаги бюджетлар, давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ва бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари йиғиндисини, бюджет тизими бюджетларини тузиш ва ташкил этиш принципларини, улар ўртасида бюджет жараёни мобайнида юзага келадиган ўзаро муносабатларни ўзида ифодалайди. Бюджет жараёни иштирокчиларининг жавобгарлиги принципи бюджет жараёнининг ҳар бир иштирокчиси бюджет жараёнининг ҳар бир босқичида ўз ҳаракатлари учун жавобгар бўлишидан иборатдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. O‘zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi. Toshkent. O‘zbekiston. 2008. -40b. (o‘zgartirish va qo‘shimchalar bilan).
2. O‘zbekiston Respublikasining Soliq Kodeksi. 2007 yil. 25 dekabr. (o‘zgartirish va qo‘shimchalar bilan).
3. O‘zbekiston Respublikasining Budget Kodeksi. 2013 yil. 26 dekabr.
4. Malikov T., Jalilov P., Budget-soliq siyosati. Monografiya. T.: Akademnashr. 2011. -472 b.
5. Malikov T., Vahobov D.R., Moliya: chizmalarda. O‘quv qo‘llanma. T.: “IQTISOD-MOLIYA”. 2010. - 660 b.
6. Mexmonov. S.U. Budget xisobi. O‘kuv ko‘llanma. - T.: “Fan va texnologiya”. 2012. - 352 s.
7. Srojiddinova Z.X. O‘zbekiston Respublikasi budget tizimi: II. Darslik. –T.: «info SOMUZ» nashriyoti. 2010. - 500 b.
8. Eshnazarov T.Sh. O‘zbekiston Respublikasida g‘aznachilik tizimi asoslari. O‘quv qo‘llanma. – T.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2012. -304 b.
9. Haydarov M., Suvonqulov A., Sugirbaev B., Nurmatov B. Davlat budjeti ijrosining g‘aznachilik tizimi”. O‘quv qo‘llanma. – T.: “IQTISOD-MOLIYA”. 2010. -235 b.
10. Qo‘chqorov T., Xaydarov M. “Davlat budjeti g‘azna ijrosining axborot tizimi”. – T.: “IQTISOD-MOLIYA”. 2010. -278b.
11. Qosimova G. A. G‘aznachilik faoliyati mexanizmni tashkil qilish. O‘quv-uslubiy majmua. – T.: “Moliya”. 2010. -256 b
12. Qosimova G.A., Shaakramov K. Mahalliy budjetlar. O‘quv qo‘llanma. – T.: “Moliya”. 2012. 260 b.
13. Qosimova G.A. G‘aznachilik . O‘quv qo‘llanma. – T.: “Moliya”. 2013. - 487 b.
14. www.lex.uz O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari milliy bazasi.
15. www.treasury.uz O‘zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi G‘aznachiligi.
16. www.gov.uz O‘zbekiston Respublikasining Hukumat portali.
17. www.mf.uz O‘zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi.